



Истеъмол кайфияти шарҳи

2024 йил
август

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Истеъмом кайфияти

Жорий йилнинг июль ойида ўтказилган сўровларда 3 100 дан ортиқ аҳоли қатнашди. Сўров натижаларига кўра, аксарият аҳоли вакиллари келгуси 12 ойда мамлакатимиздаги иқтисодий шароитлар жорий даражада шаклланишини қайд этишган.

Ўтган чоракдан бошланган респондентларнинг даромад ва харажатлари бўйича кутилмалари, кредит олишга эҳтиёжлари ҳамда жамғаришга бўлган мойиллиги кўрсаткичидаги кичик пасайиш тенденцияси мазкур чоракда ҳам давом этди. Бунда, кўпчилик респондентларнинг мазкур йўналишдаги кутилмалари ижобий даражада шаклланган.

Ўрганишларга кўра, сўнги йилларда бўш пул маблағларининг маълум қисмини уй-жой харид қилишга йўналтирилиши ва бу жараёнда аҳоли даромадларининг бир қисми кредитларга ёки фоизсиз бўлиб тўлашга ўтиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Иқтисодий ўсиш бўйича кутилмаларнинг ижобий шакллангани ва истеъмом фаоллигининг аввалги йиллар даражасида барқарорлашиши келгусида нархларга талаб омиллари таъсирини маълум даражада юмшашига шароит яратади.

Умуман олганда, аҳолининг истеъмом кайфияти юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бунда, аксарият сўров иштирокчилари келгуси даромадлари ва харажатлари ошиши бўйича ижобий кутилмаларга эга. Шунингдек, кўпчилик респондентларнинг жамғариш ҳамда кредит олишга бўлган мойиллиги барқарор юқори даражада шаклланмоқда.


Бу эса, келгуси чоракларда ҳам кредитларга бўлган талабнинг юқори сақланиб қолишини ва ялпи истеъмом талабида сезиларли ўзгариш кузатилмаслигини билдиради.

Даромад субиндекси

Респондентларнинг келгусида даромадлари ошиши бўйича кутилмалари биров пасайган.

Жорий йил II чорақда даромад субиндекси аввалги чорақка нисбатан сезиларсиз (0,7 ф.б.га) пасайиб, **70,3 бандга** тенг бўлди ва ўтган йилнинг мос даври даражасида шаклланди. Ўтган чорақ билан солиштирганда респондентларнинг келгусида даромадлари ошиши бўйича кутилмалари биров пасайди (1-расм).

1-расм. Даромад, харажат, кредит ва жамғарма субиндекслари ўзгариши¹



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Келгусида даромадлар ошиши бўйича кутилмалар индекси биров пасайган бўлса-да, сўров иштирокчиларининг қарийб учдан икки қисми келгуси чорақларда даромадлари кўпайишини кутмоқда. Буни иқтисодиётда аҳоли даромадларининг ўсиш суръатлари юқори даражада сақланиб қолаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.


Шунингдек, даромадлари ўзгармаслигини қайд этганлар улуши 1,4 ф.б.га ортиб, умумий респондентларнинг 26,4 фоизини ташкил этди. Келгусида даромадлари камайишини таъкидлаганларнинг улуши эса 10 фоиз даражасида шаклланган (2-расм).

Даромадларининг ўзгаришсиз қолишини ёки камайишини кутаётганлар улушининг биров кўпайиши келгусида истеъмолчиларда


¹ Кўрсаткич 50 бандга тенг бўлса сўров иштирокчиларининг кутилмалари ўзгармаганини, агар 50 банддан юқори бўлса кутилмалар ошаётганини ва 50 банддан паст бўлса кутилмалар пасайганини билдиради.

харажат қилишга бўлган эҳтиёткорона ёндашувни шакллантириши мумкин.

2-расм. Даромадлари ўзгариши кутилмалари бўйича жавоблар тақсимоти (улуши, фоизда)



3-расм. Даромадлар даражаси кесимида жавоблар тақсимоти (улуши фоизда)



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.


Юқори даромадга эга респондентларда келгусида даромадларининг ошиши бўйича оптимистик кутилмалар шаклланган. Ўтган чорак билан солиштирганда, барча даромад гуруҳларида даромадларнинг кўпайиши бўйича кутилмалар бироз пасайган бўлса-да, даромадлар камайишини кутаётганлар улуши 10 фоиз даражасида паст сақланиб қолмоқда.

Бунда, 10 млн. сўмгача даромадли респондентлар орасида келгусида даромадлари камайишини кутаётганларнинг улуши ошган. Шунингдек, ушбу даромад гуруҳларида келгусида даромадлари ўзгармаслигини таъкидлаганлар улуши эса кўпайган. (3-расм).

Респондентларнинг 68 фоизи (ўтган чоракда 75 фоиз) расмий иш ҳақидан даромад олишини таъкидлаган. Тадбиркорлик, томорқа фаолияти ҳамда пул ўтказмалари орқали даромад олувчиларнинг улуши ортган (4-расм).

Сўров натижаларига кўра, туризм, маиший хизмат, ташиш хизматлари ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида даромадларнинг келгусида ошиши бўйича ижобий кутилмалар юқорироқ шаклланмоқда.

4-расм. Респондентларнинг даромад манбалари (фоизда)



5-расм. Фаолият соҳалари кесимида даромадлари ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)

Соҳалар	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди
туризм	77	15	8
маиший хизмат	73	20	7
ташиш хизмати	72	18	10
қишлоқ хўжалиги	71	20	9
АТ ва ОАВ	70	24	6
савдо	69	24	7
кафе-ресторан	68	23	9
тиббиёт	68	22	9
ишлаб чиқариш	68	24	9
фан-таълим	66	26	8
қурилиш	65	22	13
коммунал хизмат	64	25	11
банк ва молия	60	30	10
бошқа	57	30	14
давлат бошқаруви	55	35	11

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Шу билан бирга, давлат бошқаруви, банк-молия, коммунал хизматлар ва қурилиш соҳаларида фаолият юритувчилар келгусида даромадларининг камроқ ошишини кутмоқдалар (5-расм).

Харажат субиндекси


Келгуси чоракларда аксарият респондентлар харажатлари кўпайишини кутмоқда. Жорий йилнинг II чорагида харажат субиндекси юқори даражада сақланиб, **77,7 бандни** ташкил этди.

Хусусан, респондентларнинг деярли 77 фоизи келгуси 12 ойда харажатлари кўпайишини билдирган. Ўтган йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич 80 фоизга тенг бўлган.


Бу эса истеъмолчиларнинг келгусидаги харажатлари ўзгариши бўйича оптимистик кутилмалари сақланиб қолаётганлигини кўрсатади. Келгусида харажатларининг ўзгармаслигини таъкидлаганлар улуши 16,4 фоизни, харажатларнинг камайишини кутаётганлар эса 6,9 фоизни ташкил этган (6-расм).

Келгуси харажатлари кўпайиши бўйича нисбатан юқори кўрсаткич кўпроқ даромадли (10 млн. сўмдан юқори) аҳоли вакиллари томонидан қайд этилган (80-87 фоиз). Қолган даромад вакилларида ҳам 80 фоизга яқин респондентлар харажатлари кўпайишини маълум қилган (7-расм).

6-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



7-расм. Даромадлар кесимида харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Аҳоли томонидан келгуси чорақда йирик харажатлар гуруҳлари ўрганилганда, сўров иштирокчилари асосан, уй-жой таъмирлаш, саёҳат, таълим, соғлиқни тиклаш, тўй маросимлари, уй-жой ва автомобиль хариди каби йирик харажатларни режалаштиргани маълум бўлди.

Ушбу йўналишлардаги харажатларнинг ортиши, келгусида мазкур товар ва хизматларга бўлган юқори истеъмол талабининг сақланиб қолишини кўрсатади (8-расм).

8-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши



Ўтган даврда амалга оширилган йирик харидлар/харажатлар

Келгуси ойлarda йирик харидлар/харажатлар бўйича кутилмалар

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.


Респондентларнинг харажатлари йўналишларини ўрганиш келгусида ялпи истеъмол талабининг қайси соҳаларда юқорироқ шаклланиши бўйича дастлабки хулосаларни беради.

Кредит субиндекси


Кредит субиндекси аввалги чорақларга нисбатан пасаймоқда, аммо кредитга бўлган умумий талаб юқори даражада сақланиб қолмоқда. Кредит субиндекси ўтган чорақка нисбатан 1,2 бандга камайиб, **68 бандни** ташкил этди (2023 йилнинг мос даврида 71,9 бандга тенг бўлган).

Жорий йилда кредит ўсиш суръатларининг мувозанатлашаётгани респондентларнинг жавобларида аста-секин намоён бўла бошлади. Шу ўринда, сўров натижалари аҳолининг кредитларга бўлган юқори талаби келгуси чорақларда ҳам сақланиб қолишини кўрсатмоқда.

9-расм. Келгусидаги кредитга бўлган талаб ўзгариши бўйича кутилмалар тақсимооти (улуши, фоизда)



10-расм. Даромадлар даражаси кесимида кредитга бўлган талаб (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Жумладан, келгуси 12 ой давомида кредитлари ҳажми ошишини кутганлар улуши жами респондентларнинг қарийб 60 фоизини ташкил этди. Шу билан бирга, кредитга талаб камайишини ёки ўзгармаслигини билдирганлар улуши ошиб, мос равишда 11,1 фоиз ва 29 фоизга тенг бўлди (9-расм).

Келгусида кредит олишни режалаштирганлар, асосан, 3 млн. сўмгача ва 10-15 млн. сўм даромадлилар гуруҳида камайган бўлса, 3-10 млн. сўм даромад олувчилар гуруҳида бироз ошган (10-расм).

11-расм. Келгусида кредитга ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши

		Келгусида харажатларнинг ўзгариши									
		2024 йил I чорак					2024 йил II чорак				
		кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгармайди	бироз камаяди	камаяди	кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгармайди	бироз камаяди	камаяди
Келгусида янги кредитга бўлган талаб	ошади	19	6	4	1	1	19	6	3	1	1
	бироз ошади	13	14	3	1	0	12	13	4	1	0
	ўзгаришсиз қолади	9	10	7	1	1	9	11	7	1	1
	бироз камаяди	2	2	1	0	0	2	1	1	1	0
	камаяди	2	1	1	0	1	3	2	1	0	1

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Бундан ташқари, харажатларини кредит олиш орқали қоплашни режалаштирган истеъмолчилар сони ўтган чоракка нисбатан бироз қисқарган (аввалги чоракда ҳам камайиш кузатилган). Мазкур ҳолат кредитларга шаклланган талабнинг маълум даражада мақбуллашиб бораётганлигини кўрсатиши мумкин.

Келгуси чоракларда уй хўжаликларининг харажатларини мавсумий ошиши фонида кредитга бўлган эҳтиёжнинг кўпайиши кузатилиши мумкин. (11-расм).

Жамғариш субиндекси


Аҳолининг жамғаришга бўлган мойиллиги сўнгги икки чорак давомида маълум даражада пасайди.

Жорий йилнинг II чорагида жамғариш кайфияти бўйича субиндекс кўрсаткичи ўтган чоракка нисбатан 1,3 ф.б.га пасайиб, **67,1 бандни** ташкил этди. Келгусида жамғармалари миқдори ошишини кутаётган респондентлар улуши ҳам 2,9 ф.б.га камайиб, **60,3 фоизни** ташкил этди (12-расм).


Келгусида жамғармалари ўзгармаслигини билдирганлар улуши аввалги чоракка нисбатан 1,5 ф.б.га ортиб 25,6 фоизни, жамғармалари камайишини кутаётганлар улуши эса аввалги чоракка нисбатан 1,4 ф.б.га кўпайиб 14,1 фоизни ташкил этди.

Шу ўринда, аҳолининг кредитлари ва қарз юки ортиб бораётгани фонида истеъмол харажатлари таркибида ўзгаришлар кузатилаётгани ҳам жамғариш кайфиятига маълум даражада таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

12-расм. Респондентларнинг жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари




13-расм. Жамғарманинг етарлилик даражаси бўйича кутилмалари




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Респондентларнинг келгусида жамғармаларининг етарлилиги даражаси бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Бунда, жамғармаларини **1-3 ойгача** етишини таъкидлаган респондентлар улуши кўпайган бўлса, узоқроқ муддатга етишини таъкидлаганлар улуши бироз камайди. Шунингдек, жамғармаси йўқлигини маълум қилганлар улуши ўтган чорак даражасида сақланиб қолди.

14-расм. Респондентларнинг молиявий ҳолати ўзгариши



15-расм. Аҳоли муддатли депозитлари қолдиғи ўсиши (трлн. сўм, йиллик фойзда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Сўров иштирокчиларининг кўпчилиги мазкур даврда молиявий ҳолатларида сезиларли ўзгаришлар бўлмаганини таъкидлашди. Молиявий аҳолининг яхшиланганини қайд этган респондентлар улуши аввалги чорак даражасида шаклланди. Кўпчилик респондентлар


молиявий ҳолати ўзгаришсиз қолишини ёки яхшиланишини билдирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида ҳам аҳолининг банк депозитлари ҳажмида юқори ўсиш тенденциялари сақланиб қолмоқда. Бунда, июль ойида аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари қолдиғи йиллик ҳисобда қарийб 50 фоизга кўпайди. Мазкур ҳолат банкларнинг депозит хизматларининг юқори жозибадорлиги шароитида аҳолининг жамғаришга бўлган мойиллиги ортиб бораётгани билан изоҳланиши мумкин.


Иқтисодиёт бўйича кутилмалар

Сўровда иштирок этган аксарият респондентлар келгуси 12 ойдаги иқтисодиёт истиқболи бўйича ижобий кутилмаларни билдирдилар. Жумладан, сўровномада иштирок этган респондентларнинг 57 фоизи келгусида мамлакат иқтисодиёти яхшиланишига ишонч билдирган бўлса, 29 фоизи иқтисодиётнинг жорий ҳолати сақланиб қолишини таъкидламоқда.

16-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



17-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Ўрта муддатли иқтисодий кутилмаларда кичик пасайиш кузатилган бўлса-да, сўров иштирокчиларининг учдан икки қисми келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб боришини кутмоқда. Умуман олганда, кўпчилик респондентлар ўрта муддатли истиқболдаги иқтисодий ўзгаришларни ижобий баҳоламоқда (16-17-расмлар).

Истеъмом кайфияти индекси

Марказий банк томонидан аҳолининг кенг соҳа вакилларини камраб олган ҳолда ўтказиладиган сўровлар натижалари асосида бериб бориладиган **истеъмом кайфияти индекси² (ИКИ)** ни ҳисоблашда сўров иштирокчиларининг келгусидаги **даромадлари, харажатлари, кредитлари ва жамғармалари ўзгариши** бўйича танланган жавоб вариантлари сонидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Бунда, респондентлар томонидан белгиланган жавоблар вариантлари қуйидаги вазнлар орқали умумлаштирилади ва нормаллаштирилади:

сезиларли даражада кўпайиш/ошиш (ижобий) – 100;

бироз кўпайиш/ошиш (ижобий) – 75;

нейтрал жавоб (ўзгаришсиз) – 50;

бироз камайиш (бироз салбий) – 25;

сезиларли даражада камайиш (салбий) – 0.

Агар ҳисобланган субиндекс кўрсаткичи 50 бандга тенг бўлса сўров иштирокчилари ўрганилаётган кутилмалари ўзгармаганини кўрсатади. Агар 50 банддан юқори бўлса кутилмалар ошаётганини билдиради. Агар субиндекс кўрсаткичи 50 банддан паст бўлса кутилмалар пасайганини билдиради.

Шунингдек, субиндекс 100 бандга тенг бўлса барча респондентлар юқори ошишини кутаётганини англатса, 0 бандга тенг бўлиши барча сезиларли камайишини билдирганини англатади.

² Индекс кўрсаткичи 0 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмом кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2024 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: zakirov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22